

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ



**ХАЛҚАРО КАПИТАЛ БОЗОРИГА
ИНТЕГРАЦИЯЛАШУВ ЖАРАЁНИДА
КОРПОРАТИВ МОЛИЯ ВА МОЛИЯ
БОЗОРИНИ КОМПЛЕКС
РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ**



ТОШКЕНТ – 2021

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

**ХАЛҚАРО КАПИТАЛ БОЗОРИГА ИНТЕГРАЦИЯЛАШУВ
ЖАРАЁНИДА КОРПОРАТИВ МОЛИЯ ВА МОЛИЯ
БОЗОРИНИ КОМПЛЕКС РИВОЖЛАНТИРИШ
ИСТИҚБОЛЛАРИ**

*Халқаро илмий-амалий конференция
материаллари тўплами
2021 йил 28 май*

**ПЕРСПЕКТИВЫ КОМПЛЕКСНОГО РАЗВИТИЯ
КОРПОРАТИВНЫХ ФИНАНСОВ И ФИНАНСОВЫХ
РЫНКОВ В ПРОЦЕССЕ ИНТЕГРАЦИЯ В
МЕЖДУНАРОДНЫЙ РЫНОК КАПИТАЛА**

*Материалы международной
научно-практической конференции
28 мая 2021 года*

**PROSPECTS FOR INTEGRATED DEVELOPMENT OF
CORPORATE FINANCE AND FINANCIAL MARKETS IN
THE PROCESS OF INTEGRATION INTO THE
INTERNATIONAL CAPITAL MARKET**

*Materials of the international scientific and
practical conference
May 28, 2021*

Тошкент – 2021

Таҳрир хайъати: и.ф.д., проф. С.Э.Элмирзаев, и.ф.д., проф. Б.Э.Тошмуродова, и.ф.д., проф. Ж.Ҳ.Атаниязов, и.ф.н., доц. А.А.Ботиров, PhD, доц. Ж.Қурбонов, и.ф.н., доц. Э.Д.Алимардонов, асс. Н.Ш.Шавкатов, асс. С.Ў.Омонов, асс. Ў.Ж.Бердиев, асс. М.Н.Рахмедова, асс. Ш.Х.Отахонова.

Такризчилар: и.ф.д., проф. Д.Х.Суюнов,
и.ф.д. проф. Р.Карлибаева

«Халқаро капитал бозорига интеграциялашув жараёнида корпоратив молия ва молия бозорини комплекс ривожлантириш истикболлари» мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция материаллари тўплами. – Тошкент, 2021. – 334 бет.

Ушбу тўпلامдан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 апрелдаги “Капитал бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6207 сонли Фармонида белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда ҳамда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада кучайтириш, корпоратив бошқарувнинг замонавий стандарт ва усуллари жорий этиш, корхоналарни стратегик бошқаришда акциядорларнинг ролини кучайтириш, алоҳида миллий корхоналар акцияларининг хорижий нуфузли фонд биржаларида дастлабки тарзда жойлаштирилишига эришиш вазифаларидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 2 мартдаги 78-Ф сонли фармойиши асосида 2021 йил 28 майда Тошкент молия институтида «Халқаро капитал бозорига интеграциялашув жараёнида корпоратив молия ва молия бозорини комплекс ривожлантириш истикболлари» мавзусида ўтказилган халқаро илмий-амалий конференция материаллари ўрин олган.

Тўпلامда конференция натижалари бўйича Халқаро капитал бозорига интеграциялашув жараёнида корпоратив молия ва молия бозорини комплекс ривожлантириш ва мазкур жараёнларда инвестицион жозибадорликни ошириш борасида замонавий тенденциялар ва илгор халқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда илмий асослаган таклиф ва амалий тавсиялар ўз аксини топган.

Ушбу тўпلام 2021 йил 28 майдаги Тошкент молия институтининг 10-сонли Кенгашида муҳокама қилинган ва нашрга тавсия этилган.

Мазкур тўпلامга киритилган маъруза тезисларининг мазмуни, ундаги статистик маълумотлар ва меъёрий ҳужжатларнинг тўғрилигига муаллифларнинг ўзлари маъсулдир.

тадбирларни амалга оширишда уларнинг масъулиятини оширишни таъминлаш мақсадида қабул қилинган. Қуйидагилар маҳаллий бюджетлар даражасида солиқ-бюджет сиёсатининг устувор вазифалари этиб белгиланди¹⁵⁷.

1. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг аниқ турларини уларга бириктириб қўйиш орқали маҳаллий бюджетларнинг даромад базасини тубдан мустаҳкамлаш;

2. Вилоятлар, шаҳар ва туман бюджетларини субвенциядан чиқариш, уларнинг юқори турувчи бюджетлар ажратмаларига бўлган қарамлигини босқичма-босқич қисқартириш, бунинг асосида ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалаларини ҳал этишда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари эркинлиги ва масъулиятини ошириш;

3. Маҳаллий бюджетларнинг даромадларини ошириш учун тизимлилик асосида қўшимча резервларни аниқлаб бориш;

4. Депутатлик ва жамоатчилик назоратини кенг жалб қилган ҳолда, маҳаллий бюджетларни шакллантиришнинг шаффофлигини ва унинг бажарилиши устидан назоратни таъминлаш;

5. Маҳаллий бюджетлар даромад базаларини мустаҳкамлаш ҳамда харажатларнинг тасдиқланган параметрларини ўз вақтида, мақсадли молиялаштириш, ижтимоий соҳа объектлари ва инфратузилмани янада ривожлантириш ва тегишли даражада сақлаб туришни таъминлаш устидан маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, молия ва солиқ органларининг жавобгарлигини кучайтириш.

Юқоридагилардан келиб чиқиб шуни хулоса қилиш мумкинки, Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотларнинг самарадорлиги ва натижавийлиги маҳаллий бюджетларни ўз вақтида ва зарур миқдорда молиявий маблағ билан таъминлаш, маҳаллий бюджетларнинг даромад манбалари ҳажмини ошириш, хусусан, бу борада маҳаллий ҳокимият органларининг бюджет ижросини таъминлашдаги манфаатдорлигини кенгайтириш, маҳаллий бюджетлар ижроси жараёнида кенг жамоатчилик фикри ва иштирокини таъминлаш муҳим устувор аҳамият касб этади.

ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШДА ТАШҚИ САВДО ОПЕРАЦИЯЛАРИ ВА УНДА СОЛИҚ НАЗОРАТИ МОНИТОРИНГИНИ ОЛИБ БОРИШ ТАРТИБИ

Х.М.Кулимова - ТМИ таянч доктаранти

Дунёдаги глобаллашув ҳамда жадал интеграциялашув жараёнларининг иштирокчиси бўлган Ўзбекистон ҳам ўзининг халқаро иқтисодий муносабатларини мунтазам тарзда ривожлантириб келмоқда. Ушбу жараёнда экспорт-импорт операциялари фаолиятини тартибга солиш усулларида кенг фойдаланилади. Бу борада давлатимиз раҳбари Ш.М.Мирзиёев “янги экспорт

¹⁵⁷ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг молиявий эркинлигини ошириш, маҳаллий бюджетларга тушумларнинг тўлиқлигини таъминлаш бўйича солиқ ва молия органлари жавобгарлигини кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2017 йил 13 декабрдаги ПФ 5283-сонли Фармони.

бозорларига чиқиш Ҳукуматнинг энг асосий вазифаларидан бири бўлиб қолади”¹⁵⁸ деб таъкидлаганлар.

Ушбу вазифани амалга ошириш жараёнида экспорт-импорт операцияларида солиқ назорати мониторинги олиб бориш тартиби алоҳида аҳамиятга эга.

Ташқи савдо операциялари устидан мониторинг олиб бориш ва назорат қилиш давлат солиқ ва божхона хизмати органлари ҳамда тижорат банклари билан ўзаро ахборот алмашиш асосида (шу жумладан, алоқа каналлари орқали электрон кўринишда) ва Ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизими орқали олиб борилади.¹⁵⁹

Давлат солиқ хизмати органлари ваколатли банклар ва давлат божхона хизмати органларидан олинган маълумотларни:

- таҳлил қилади;
- солиқ тўловчининг молиявий ва солиқ ҳисоботини камерал назоратдан ўтказди;
- камерал назорат натижасида хатоликлар ва зиддиятлар мавжуд бўлса, солиқ тўловчига тегишли тузатишлар киритиш ҳақида талабнома жўнатади;
- муддати ўтган дебитор қарздорликка йўл қўйган хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан молиявий жарима қўллаш юзасидан судларга даъво ариза киритади, мансабдор шахсларига нисбатан маъмурий баённома расмийлаштиради;
- пул маблағлари чет элга асоссиз равишда ўтказилган ҳолатлар аниқланган тақдирда тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ўтказиладиган текширишларни мувофиқлаштириш бўйича ваколатли орган билан келишилган ҳолда ушбу контрактни тузган орган билан келишилган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини текширади. Зарурат бўлганда, текширув давлат божхона хизмати органлари билан биргаликда ўтказилади.
- текшириш ва камерал назорати натижалари бўйича ҳуқуқбузарлик фактлари содир этилганлиги тасдиқланганда, текшириш материаллари қонун ҳужжатларида белгиланган чораларни кўриш учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга юборилади.
- ўтказилаётган текширишлар ва камерал назорати жараёнида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш билан боғлиқ ҳолатлар аниқланган тақдирда, уч кун муддат ичида Иқтисодий жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментига хабар беради.¹⁶⁰

Мамлакатнинг ўзида ишлаб чиқарилган моддий бойликлар экспорт таркиби миллий иқтисодиётнинг ўзига хос хусусиятлари, унинг халқаро меҳнат тақсимидаги ўрни билан боғлиқ. Саноати ривожланган мамлакатларга саноат маҳсулотлари, айниқса, машинасозлик маҳсулотлари ва технологиялар экспорт қилиш хос бўлса, аграр иқтисодиётга эга бўлган мамлакатлар экспортида хом-ашё ва озиқ-овқат асосий рол ўйнайди.

¹⁵⁸ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси, 29.12.2020

¹⁵⁹ Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси расмий сайти маълумотлари

¹⁶⁰ Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси расмий сайти маълумотлари

Юкларни ташиш, воситачилик операциялари, туризм, илмий-техника алоқаларидан ва бошқалар хизматларни сотишдан олинadиган даромадлар кўринмас экспортни ташкил этади ва иқтисодиёти ривожланган кўпгина мамлакатларда унинг аҳамияти ортиб бормокда.

Ҳар қандай давлат учун экспорт-импорт ва чет элларда бошқа харажатларни тўлаш учун зарур бўлган чет эл валютасининг асосий манбаи. Давлатнинг ташки иқтисодий фаолиятида экспортни кенгайтириш муҳим ҳисобланади ва давлат экспорт учун мўлжалланган ишлаб чиқаришни кўллаб-қувватлашнинг турли шакллари кенг қўллайди.

Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг даромадлари қисми бўйича давлат молиявий назорати берилган ваколатлар доирасида давлат солиқ хизмати органлари томонидан амалга оширилади.¹⁶¹ деб белгилаб қўйилган.

Бундан кўриниб турибдики, давлат солиқ хизмати органлари томонидан олиб борилаётган солиқ назорати – молиявий назоратнинг таркибий қисми деган хулоса қилишимиз мумкин бўлади.

Солиқ солиш соҳасидаги давлат бошқарувининг самарадорлиги кўп жиҳатдан давлат бошқарувининг турли бўгинлари фаолиятидаги мослашувчанликка боғлиқ бўлади. Ваколат ҳар бир органнинг махсус ўрнини белгилайди ва бир вақтнинг ўзида унинг бошқа органлар фаолияти билан мослашувини таъминлашга хизмат қилади.

Давлат солиқ қўмитаси ва бошқа солиқлар бўйича бевосита ва билвосита ваколатга эга бўлган органлар ишини мувофиқлаштирган ҳолда органнинг ушбу соҳалари солиқ солиш билан боғлиқ шахс ҳуқуқларини таъминлаш учун юқори даражали жавобгарликни ўз зиммасига олади ҳамда уларнинг манфаатлари йўлида муаммоли вазиятларни олдини олиш мақсадида ўзаро ҳамкорликнинг барча жиҳатларини мукамал тартибга солади.

Хулоса ўрнида айтишимиз мумкинки, мамлакат иқтисодиётини модернизация қилишда, экспорт салоҳиятини юксалтиришда, жаҳон бозорида талаб мавжуд бўлган янги турдаги товарлар ишлаб чиқаришда ва шу орқали молиявий-иқтисодий барқарорлигини таъминлашда, мамлакат экспорт-импорт фаолиятидаги иқтисодий муносабатларида солиқ назоратини такомиллаштиришни талаб қилади.

МЕРЫ ГОСУДАРСТВЕННОЙ ПОДДЕРЖКИ СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА

Ж.З.Фарманов, Г.У. Назарова

Каршинский Инженерно-экономический институт

Повышение эффективности социально-экономических реформ в сельском хозяйстве является важным вопросом для повышения уровня жизни в Узбекистане, обеспечения устойчивого развития национальной экономики и содействия ее интеграции в мировое сообщество.

¹⁶¹ * Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодекси.

		AND FEATURES.....	
59.	У.А. Абдуллаев	ХАЛҚАРО КРЕДИТ МУНОСАБАТЛАРИНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ ЗАРУРЛИГИ.....	186
60.	А.С. Васиев	ИСЛОМ БАНКЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ НАЗАРИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ.....	188
61.	А.Д.Бегимов	КАПИТАЛНИ БОШҚАРИШДА ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВ.....	191
62.	А.Одилов	КАПИТАЛ БОЗОРИ ТАРКИБИ ВА УНИНГ БОЗОР МУНОСАБАТЛАРИДАГИ РОЛИ.....	195
63.	М.Н. Рахмедова, Х.Вахабова	ПОВЫШЕНИЕ РОЛИ БАНКОВСКОЙ И ФИНАНСОВОЙ СИСТЕМЫ В УСИЛЕНИИ ИНТЕГРАЦИИ В МЕЖДУНАРОДНЫЙ РЫНОК КАПИТАЛА.....	198
64.	S.Z.Jo'rayeva	TIJORAT BANKLARINING XALQARO MOLIIYA BOZORIDAGI OPERATSIYALARINI TAKOMILLASHTIRISH JARAYONLARI.....	200
65.	I.F.Sayfiddinov	WAYS TO STRENGTHEN PAYMENT DISCIPLINE IN A PANDEMIC.....	204
66.	I.O.Shavkatova	THE FINANCIAL MARKET INSTITUTIONS IN THE DEVELOPMENT OF CAPITAL MARKET.....	205
67.	Т.И.Бобакулов	РОЛЬ МЕЖДУНАРОДНЫХ ФИНАНСОВЫХ ИНСТИТУТОВ В РАЗВИТИИ МИРОВОЙ ЭКОНОМИКИ.....	208
68.	Х.Н.Джамалов	АНАЛИЗ ФИНАНСОВО-ХОЗЯЙСТВЕННО-ЦИФРОВОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ - КАК КРЕАТИВНЫЙ ЭЛЕМЕНТ ЭФФЕКТИВНОЙ СИСТЕМЫ ФИНАНСОВОГО МЕНЕДЖМЕНТА	210
69.	М.Н. Рахмедова, Ш.Усмонов	РОЛЬ ГОСУДАРСТВА В ИНТЕГРАЦИИ НАЦИОНАЛЬНОГО ФИНАНСОВОГО РЫНКА В МИРОВОЙ.....	212
70.	M.S.Aliqulov	SUG'URTA KOMPANIYALARI INVESTITSION AKTIVLARINI JOYLASHTIRISHNING XALQARO AMALIYOTI TANHILI.....	215
71.	Ж.Х.Раззақов	СИНДИЦИЯЛАШТИРИЛГАН КРЕДИТЛАШНИНГ ИЛҒОР ХАЛҚАРО ТАЖРИБАЛАРИ ВА УНИ ЎЗБЕКИСТОНДА Қўллаш имкониятлари.....	221
		IV ШҲББ. ХАЛҚАРО КАПИТАЛ БОЗОРИГА ИНТЕГРАЦИЯЛАШУВ КУЧАЙТИРИШДА БАНК-МОЛИЯ ТИЗИМИНИНГ РОЛИНИ ОШИРИШ	224
72.	Н.Б.Соатова	МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТЛАР СОЛИҚЛИ ДАРОМАД БАЗАЛАРИНИ МУСТАҲКАМЛАШ Йўналишлари.....	225
73.	U.A.Yuldasheva, Z.K.Murtozaeva	SHORTCOMINGS IN THE IMPLEMENTATION OF TAX REFORMS.....	227
74.	M.Rustamov, K.Vositjonova, M.Saidqulov	ELEKTRON BANK XIZMATLARINI RIVOJLANTIRISH.....	230
75.	B.Xoshimov, S.Nematova	TOVAR AYLANMASIDA KORPORATIV MOLIIYANI TASHKIL ETISH XUSUSIYATLARI.....	234
76.	З.Э.Бекназаров	МАЖБУРИЙ ТИББИЙ СУҒУРТАНИ ЖОРИЙ ЭТИШНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ.....	237
77.	B.Xoshimov, B.Suttibayev	O'ZBEKSTON RESPUBLIKASIDA BIRJA FAOLIYATI VA DAVLAT XARIDLARI PLATFORMASIDAN FOYDALANISH YO'NALISHLARI.....	239
78.	М.А.Мирзасев	БАНК КАПИТАЛИ ЕТАРЛИЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА БАНК КАПИТАЛИНИ БАҲОЛАШНИНГ АҲАМИЯТИ.....	243
79.	Н.И. Хамидов	КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИНИ КРЕДИТЛАШ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ.....	245
80.	С.И.Самиев	НЕФТЬ-ГАЗ КОРХОНАЛАРИ ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛИЯТИ: ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ, ХОС Бўлган тенденциялари.....	249

81.	С.Салимов	ГИДРОЭНЕРГЕТИКА СОҲАСИ РИВОЖИГА ЖАЛБ ҚИЛИНАЁТГАН ИНВЕСТИЦИЯЛАР ДИНАМИКАСИ.....	255
82.	Н.Б.Соатова	МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТЛАР СОЛИҚЛИ ДАРОМАД БАЗАЛАРИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ИМКОНияТЛАРИ.....	258
83.	Х.М.Кулимова	ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШДА ТАШҚИ САВДО ОПЕРАЦИЯЛАРИ ВА УНДА СОЛИҚ НАЗОРАТИ МОНИТОРИНГИНИ ОЛИБ БОРИШ ТАРТИБИ.....	261
84.	Ж.З.Фарманов, Г.У.Назарова	МЕРЫ ГОСУДАРСТВЕННОЙ ПОДДЕРЖКИ СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА.....	263
85.	E.D.Alimardonov, H.Umaraliyeva	XALQARO ELEKTRON SAVDO.....	266
86.	Б.М.Дагаров	ЎЗБЕКИСТОН АУДИТОРЛИК АМАЛИЁТИНИ ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ АСОСИДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ.....	268
87.	Б.А.Холиқов	АУДИТОРЛИК ДАЛИЛЛАРНИ ТЎПЛАШ ХУСУСИЯТЛАРИ.....	272
88.	Д.Р. Абдикаримова	БИЗНЕС ҚИЙМАТИНИ БАҲОЛАШДА ҚИЁСИЙ ЁНДАШУВНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ.....	276
89.	Х.Б.Зарипов	КОРХОНАЛАРДА СОЛИҚ ЮКИНИ БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ ОСОБЕННОСТИ И ПРОБЛЕМЫ НАЛОГООБЛОЖЕНИЯ	278
90.	Ш.У.Киясов	ДОХОДОВ ФИЗИЧЕСКИХ ЛИЦ – РАБОТНИКОВ ТРАНСНАЦИОНАЛЬНЫХ КОРПОРАЦИЙ.....	282
91.	О.Р. Мейлиев	ҲУДУДЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ОРҚАЛИ МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТЛАР ДАРОМАДИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ	285
92.	Р.Р.Кунаров	ЎЗБЕКИСТОНДА ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ДИВИДЕНД СИЁСАТИНИНГ ТАШКИЛИЙ МАСАЛАЛАРИ.....	289
93.	С.И.Самиев	ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАР - НЕФТЬ-ГАЗ КОРХОНАЛАРИДА ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛИЯТНИ МОЛИЯЛАШТИРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ СИФАТИДА.....	292
94.	У.А.Бердиева	СОЛИҚ МАЪМУРЧИЛИГИНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА МАВЖУД МУАММОЛАР ВА УНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ	300
95.	Д.Р. Абдикаримова	ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ГАРОВ ТАЪМИНОТИНИ БАҲОЛАШ ФАОЛИЯТИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ.....	302
96.	У.А.Бердиева	СОЛИҚ МАЪМУРИЯТЧИЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА СОЛИҚЛАРНИНГ ЙИГИЛУВЧАНЛИГИНИ ОШИРИШ.....	305
97.	Д.Саидов	ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ДЕПОЗИТ БАЗАСИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛЛАРИ.....	308
98.	Ф.Ш.Ҳамраева	МАЖБУРИЙ СУҒУРТАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИ.....	311
99.	U.A.Yuldasheva	PROBLEMS ASSOCIATED WITH THE OBSERVED VAT IN OUR COUNTRY AND THEIR SOLUTION.....	313
100.	Ф.К.Мамадалиев	ИЛҒОР ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА АСОСИДА ЎЗБЕКИСТОНДА ХУФИЁНА ИҚТИСОДИЁТГА ҚАРШИ КУРАШ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ.....	317
101.	Д.А.Сатывалдыева, Р.Ч.Гозиев	ПРОИЗВОДСТВЕННЫЕ ЗАТРАТЫ, ВКЛЮЧАЕМЫЕ В СЕБЕСТОИМОСТЬ ВЫПУСКАЕМОЙ ПРОДУКЦИИ.....	320
102.	Ф.Ш.Ҳамраева	СУҒУРТА МУНОСАБАТЛАРИДА МАЖБУРИЙ СУҒУРТАНИНГ ЎРНИ.....	324
103.	И.Жуманиязов, Ф.Намозов	ТИКЛАНИШ ВА ТАРАҚҚИЁТ ЖАМҒАРМАСИ МОЛИЯВИЙ МАБЛАҒЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ ЙЎЛЛАРИ.....	326

**ХАЛҚАРО КАПИТАЛ БОЗОРИГА
ИНТЕГРАЦИЯЛАШУВ ЖАРАЁНИДА
КОРПОРАТИВ МОЛИЯ ВА МОЛИЯ БОЗОРИНИ
КОМПЛЕКС РИВОЖЛАНТИРИШ
ИСТИҚБОЛЛАРИ**

Халқаро илмий-амалий конференция

МАТЕРИАЛЛАРИ ТЎПЛАМИ